



**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА БАНК ФАОЛИЯТИГА ОИД
АТАМАЛАРНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

АБДУЛЛАЕВА МАВЖУДА АЛЛАЁР ҚИЗИ

ЎзДЖТУ магистр талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7601662>

Аннотация:

Замонавий жамият ҳаётининг уч турдаги ижтимоий қурулма, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар соҳалари доирасида банк матнининг ўз алоқа соҳаси ва иштирокчилари, яъни адресант (банк) ва адресат (банк билан алоқага кирадиган коммуникант) билан ажралиб туриши ҳамда иштирокчиларнинг сифат кўрсаткичлари кўп жиҳатдан алоқанинг турларига боғлиқ ҳолда белгиланиши ихтисослашган лексик бирликлар асосида ўрганилган ҳамда улар тақдим этадиган деннотатив ва коннотатив маънолар ёритиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: банк фаолияти, банк матни, лексикографик манбалар, ихтисослашган лексика, атама, банк даражалари, функциялари.

Annotation. Within the spheres of social structure, economic and social relations of modern society the bank text is distinguished by its area of communication and participants, ie the addresant (bank) and the adresat (communicator in contact with the bank). The qualitative indicators of the participants are determined in many respects depending on the type of communication is studied on the basis of specialized lexical units, the denotative and connotative meanings they provide are highlighted. The fact that the addresant and adresat involved in each area of the bank text are different from each other is reflected in their lexical indicators, as evidenced by lexical means.

Key words: Basic words and phrases: banking activity, banking text, lexicographic resources, specialized lexicon, terminology, banking levels, functions.

Сўнгги йилларда - "термин" ўзбек ва жаҳон тилшунослигида энг муҳим тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Тўғри, "термин" тушунчасига аниқлик киритиш муаммоси бир неча авлод вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, бугунги ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлар: илм-фан ривожини, техника тараққиёти, иқтисодий ислохотлар терминни тадқиқ қилишни ҳамон тақозо этмоқда. Бу ҳолат жаҳон ва миллий иқтисодиёт ҳамда молия тизимлари ривожланишининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда янги ёндашувларга талабнинг ортиб бораётганини акс эттиради. Глобаллашувнинг роли айниқса банк





тизимда яққол намоён бўлади ва банк фаолияти соҳасининг вербал асосида ўз аксини топади¹.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Таниқли ўзбек тилшуноси С.Усмонов қуйидаги таърифни келтиради: “Термин гапдан ташқарида олинганда ҳам маълум бир аниқ маъно ифодаладиган сўз ёки турғун ҳолатдаги сўз бирикмасидир”. Термин ҳам бошқа лексик бирликлар сингари аташ функциясига эга. Бир гуруҳ олимлар термин хусусиятларини лексик бирлик функцияси доирасида таҳлил қиладилар. Рус тилшуноси Г.О.Винокур мазкур йўналиш асосчиси сифатида эътироф этилади. У биринчилардан бўлиб терминни “махсус функциядаги сўз” деб атайди ва биз назарда тутаётган аташ функцияси ҳақида фикр юритади.

НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗА

Банк-молия терминологиясини тадқиқ қилишда, шубҳасиз, банклар ва молия тизимининг пайдо бўлишига оид тарихий фактлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Айрим банк-молия соҳасига оид манбаларда “банк” терминининг келиб чиқишига оид хилма-хил фикрлар мавжуд. Айримларида “банк” термини италянча “банко” сўзидан келиб чиққан бўлиб, раста, дўкон маъноларини англатади; бошқаларида эса “банк” сўзи эски француз тилидаги banque сўзидан олинган бўлиб, “стол” деган маънони билдиради сингари маълумотлар учрайди. Қадимги тарихий манбаларда банкларнинг вужудга келиши тўғрисида етарлича маълумотлар сақланмаган. Қатор олимларнинг фикрига кўра, дастлабки банклар XIV–XV асрларда энг аввал Италиянинг Венеция, Генуя каби шаҳарларида капитализмнинг мануфактура босқичи шароити асосида вужудга келган. Соҳа мутахассислари томонидан банкларнинг шаклланишида кредит операцияларини ва пул муомаласини амалга ошириш учун махсус муассасаларга эҳтиёжнинг юзага келиши етакчи омил бўлганлиги эътироф қилинади.

Ўзбекистонда банк молия терминологиясининг шаклланиши бевосита мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтишимиз билан боғлиқ.

Энди инглиз банк матни таркибий қисмлари ва уларни тақдим этишга хизмат қиладиган лексик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари устида тўхталамиз. Умуман олганда, ҳар қандай банк матни, шу жумладан, инглиз банк матни ҳам, ўз алоқа соҳаси ва иштирокчилари, яъни адресант (банк) ва адресат (банк билан алоқага кирадиган коммуникант) билан ажралиб

¹ Хамидов Л. Банк фаолиятига оид матнларнинг лексик хусусиятлари. // INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART №6. 136 с. <file:///C:/Users/User/Downloads/3444->





туради. Бунда иштирокчиларнинг сифат кўрсаткичлари кўп жиҳатдан алоқанинг турларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Банк фаолияти уч турдаги алоқа соҳаси, яъни ижтимоий қурулма соҳаси, иқтисодий муносабатлар соҳаси ва ижтимоий муносабатлар соҳаси доирасида амалга оширилиши мумкин. Бироқ банк матнининг ҳар бир соҳасида иштирок этадиган адресант ва адресатлар бир-биридан фарқ қилиб туради². Бу ҳолатлар уларнинг лисоний кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топади. Ушбу ҳолатлар устида батафсилроқ тўхталамиз.

Банк жамоат тузуми нуқтаи назардан ихтисослашган ижтимоий-иқтисодий муассасадир, яъни у адресант сифатида ижтимоий тузум шаклларида бирининг функциясини бажаради. Банкнинг алоқа соҳасидаги ушбу мавқеи тўғридан-тўғри *Bank, Banking institution* лексик бирликлари воситасида вербал ифодаланади. Жамият (*society*) бундай алоқа вазиятида адресат, яъни банк билан алоқага кирадиган коммуникант сифатида доимо иштирок этади.

Иқтисодий муносабатлар соҳасида, банк адресант сифатида банк пул даромадлари ва жамғармаларини сафарбар қилиш ва уларни капиталга айлантириш, кредитлар бериш, нақд пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, қимматли қоғозларни чиқариш ва бошқа функцияларни бажарадиган молиявий-кредит институтдир. Шундай қилиб, банк молиявий оператор, кредит берувчи, тўловларда воситачи вазифасини бажаради. Банкнинг ушбу функционал тавсифларини лисоний тушунтириш лексик стаҳда “молиявий-иқтисодий фаолият субъекти” маъносига эга *creditinstitution, financialinstitution, bank, bankbuilding, financial serviceproviders, lender* кабилексик-семантик парадигма ёрдамида амалга оширилади. Фаолиятнинг ихтисослашишига, ташкилий-ҳуқуқий шаклига, ҳажмла-рига қараб, банк “кредит-молиявий муассаса” (*creditfinancial institution*) умумий маъноли лексиксемантик парадигманинг аъзолари ёрдамида вербаллашадиган дифференциал мавқе тавсифларига эга бўлади, масалан: *Central bank, State Central Bank, Bigbank, Universal bank, Private bank, Direct bank, Business bank, Private banking house, OnlineBank, Commercial bank, Central bank, Ship bank, Cooperative bank, Save cashbox, Building society, Deposit bank, Securities collecting bank, Giro bank, Giro central, Credit bank, Mortgage bank, Exchange bank, Securities bank, Insurance bank, Investment bank, Real estate bank, Surety bank, Installment bank* ва бошқалар. Ушбу парадигманинг катта қисми банк

² Хамидов Л. Банк фаолиятига оид матнларнинг лексик хусусиятлари. // INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART №6. 136 с. <file:///C:/Users/User/Downloads/3444>





муассасаларининг кенг тармоғи ва кўрсатиладиган хизматларнинг бой спектри билан тақдим этилган инглиз банк тизимининг юқори даражада ривожланиши билан боғлиқ. Банк матнига хос алоқанинг ушбу соҳасида банк билан алоқага кирадиган коммуникантни ифодалаш учун ҳақиқий мижоз, акциядор, инвестор (real customer, shareholder, investor) лексик бирликлари қўлланади.

Айрим банк матнлари, масалан, брошюрада банк фаолияти, молиявий соҳа терминлари ва иқтисодий атамалар кўп миқдорда учрайди, масалан, inflation, financial stability, bank notes, stable prices, Monetary Policy Committee (MPC), financial crisis, financial institutions, individual financial firms, credit unions, the Prudential Regulation Authority (PRA), investment firms, enhance, Financial Policy Committee (FPC), systemic risks, frequency, key payment, financial stress, trade-offs, sterling, export, impact, market, balance, demand, supply, impact, output, consumer prices, infrastructure, Fixed Income, Currency and Commodity (FIC).

Ўзига хос лексиканинг кўплиги банкнинг жойлашувини аниқлашда ажралмас таркибий қисм ҳисобланади, чунки банк хизматлари соҳасининг тузилиши кенг бўлиб, хизматларни ўзаро аниқ чегаралашни ҳамда вазифа ва функцияларни аниқ белгилашни талаб қилади. Бундай ҳолатга банк соҳасида ихтисослашган лексикадан фойдаланиш ёрдамида эришиш мумкин.

Инглиз банк матнида бошқарув тизимининг функционал бурчиқуйидагича келтирилган: creditor's committee (кредит қўмитаси), consumer banking division (мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими), credit management department (кредит менежменти) банкнинг актив операцияларини амалга оширишда марказий бўғин ҳисобланади, audit committee (аудит қўмитаси ёки тафтиш комиссияси), currency board (валюта бўлими), trust department (траст бўлими) ва бошқалар. Банк ташкилоти структурасининг мураккаблиги баъзан банк иштирок этган бозорларнинг сони ва характерига ва юридик ва жисмоний шахслар олдида ўзига олган рискка тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Банк лексикаси маъноларини тақдим этишнинг аниқлиги банк лексик элементлари ички шаклининг ўзига хослиги билан эмас, балки ушбу лексика билан ифодаланаётган категориал маънолар ва лексемаларни шакллантира-диган белгиларнинг аниқлиги билан ҳам тавсифланади. Бундай маъно инглизбанк матнида ҳар хил лисоний воситалар билан





ифодаланиши мумкин. Банк ихтисослашган лексикасининг банк алоқа доираларидаги роли ва аҳамияти нафақат нафақат инглиз тилининг ривожланиши билан, балки оддий фуқароларнинг тор ихтисослашган фаолиятга жалб қилиниши ҳамда банк хизматларидан уларнинг фойдаланиш зарурати билан ҳам ошиб бормоқда. Бугунги кунда кўплаб корхоналар ишчиларига иш ҳақини кредит карталари орқали тўламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хамидов Л. Банк фаолиятига оид матнларнинг лексик хусусиятлари. // INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART №6. 136 с. file:///C:/Users/User/Downloads/3444
2. Факов В.Я. Большой финансовый словарь. Англо-русский словарь: в 2 т. – М.: Международные отношения, 2011. – 1456 с.
3. Федоров Б.Г. Новый англо-русский банковский и инвестиционный энци-клопедический словарь: в 2 т. – СПб.: Лимбус Пресс, 2011. – 1744 с.
4. Law J., Smullen J. Oxford Dictionary of Finance and Banking. – 4th Edition. – Oxford University Press, 2008. – 471 p.

